

МАДАНИЯТ

№19 (101) 18.06.2020 йил

Тайнлов

Маданият вазирига яна бир вазифа юклатилди



16 июнь куни Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институтига ректор тайинланди. Утган сонимизда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим

йўналишлари ва мутахассисликлари негизда мақом ижрочилиги, халқ музыкаси йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи Маданият вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаси шаклида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институти ташкил этилиши ҳақида ха-

бар берган эдик.

Янги ташкил этилган мазкур таълим даргоҳига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков ректор этиб тайинланди.

Эндиликда Маданият вазири ректорлик фаолиятини ҳам олиб боради.

Ушбу сонда

Бу омонатга хиёнат эмасми?



4-саҳифада >>

Орзу – истеъдоднинг бошланиши



6-саҳифада >>

Фонограмма эҳтиёжми ёки енгиллик?

7-саҳифада >>

Ишонч ва масъулият



Консерваторияга янги ректор тайинланди

16 июнь куни Ўзбекистон давлат консерваториясига ректор лавозимига Ўринбоев Камолиддин Турдимуродович номзоди тасдиқланди.

У 1985 йилда туғилган. 2007 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясини, 2009 йилда мазкур консерваториянинг магистратурасини, 2014 йилда П.И.Чайковский номидаги Москва дав-

лат консерваториясини тамомлаган.

Мутахассислиги – оркестр созанда-си (ғижжак), Опера симфоник оркестри дирижери. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвони билан мукофотланган.

Шу кунга қадар Ёшлар симфоник оркестри дирижери лавозимида ишлаган.

Давоми 2-саҳифада >>

АБИТУРИЕНТ – 2020:

Онлайн қабул, қулай имтиҳон ва кутилмаган имтиёзлар



Бир неча ойдан буён ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган тождор вирус пандемиясининг ҳатто ўзини энг қудратли ҳисоблайдиган қатор мамлакатларни ҳам таҳликага солиб қўяётгани гувоҳимиз. Уни бартараф этиш осон эмаслигини ҳам дунё аҳли энди яхши англаб етди. Лекин олдини олишнинг имкони бор: у ҳам бўлса, карантин қоидаларига сўзсиз амал қилиш. Шундай ҳолларда “Ҳаёт давом этади” деган тушунча қалбимизга таскин беради. Қолаверса, халқимизнинг дориламон кунларини қайтаришга астойдил қиришган давлатимиз раҳбарияти савий-харақатлари бесамар кетмаслиги ҳам ўз қўлимизда.

Юртимизда ҳар жабҳада олиб борилаётган тиклаш, тикланиш, бунёд этиш ишлари қатори халқ таълими соҳасида ҳам пандемия оқибатида узилишлар бўлмаслиги, эртанги кун умиди барқарорлиги йўлида тинимсиз изланиш, интилишлар олиб борилаётгани яхши маълум.

Давоми 2-саҳифада >>

Донолар сузлайди...



Чинакам дуст айтган ҳар ўғит, масал, Сирти заҳар эрур, томири – асал.

Н.Хусрав

Йигитликда йиг илмнинг мағзини, Қариган чоғ харж қилгил ани.

А.Навоий

Билимдан бир шуъла дилга тушган он, Шунда билурсанким илм бепоён.

Фирдавсий

Ташриф
**Эски шаҳарда
“очиқ осмон
остидаги
музей” барпо
этилади**



12 июнь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мутасадди раҳбарлар иштирокида Олмасор тумани фаоллари, нурунийлар билан учрашди.
Унда тумандаги камбағалликни қисқартириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, янги лойиҳалар учун имкониятларни кенгайтириш тақлифлари берилди.
Давлатимиз раҳбари “Чорсу бозори”, Зарқайнар, Сағбон, Себзор, Корасарой, Гўзалбоғ ва бошқа кўча-маҳаллаларда, жами 482 гектар майдонда замонавий туристик, савдо ва дам

олиш маскани – “очиқ осмон остидаги музей” барпо этилишини таъкидлади. Бу ерда хунармандчилик дўконлари ва расталар, чойхона ва меҳмонхоналар, кичик музейлар ташкил этилишини айтди.
Яна “Агрегат” заводини Чирчиққа кўчириб, унинг худудиди Олмасор туманига учун 12-14-16 қаватли арзон уйлар қуриш, Тошкент аҳолисида Олмасорга яқин худудда 260 гектар ерда 150 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқлар берди.
Ўз ўрнида жамоатчилик вакиллари ҳам туманда амалга оширилаётган ишлар бўйича фикр ва тақлифларини билдиришди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Онлайн қабул, қулай имтиҳон ва кутилмаган имтиёзлар

Карантин сабаб сабоқларни онлайн тарзда яқунлаган битирувчилар ўқишларини давом эттиришлари учун яратилаётган шароитлар, имкониятлар эл-юрт дардида юрган инсонларнинг фидойийликлари туфайли амалга оширилмоқда. Шу ўринда олий таълим муассасаларига кириб ўқиш орзусидаги ёшларни мамнун этган бир ҳолат: ижтимоий тармоқларда эълон қилинадиган хабарлар орасида Ўзбекистон Бош вазирини ўринбосари Бехзод Мусаевнинг абитуриентларга қулайлик яратилаётгани ҳақидаги фикрлари илмга чанқоқ ёшларимиз кайфиятини кўтаргани айни ҳақиқат. Келинг, яхшиши, бу ҳақдаги маълумотларга кенгроқ тўхталайлик.

Аввало, ҳозирги мураккаб пандемия шароитига қарамай бу йил олий ўқув юртларига ҳар йилгидан ҳам кўпроқ талабалар қабул қилиниши режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 июндаги “2020 – 2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиниши давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарорига кўра бакалавр даражасига 145 мингдан ортиқ, яъни ўқув йилига нисбатан 15,6 фоизга кўпроқ абитуриент талабалани қабул қилинади. Магистр даражасига эса 10 мингдан зиёд талаба қабул қилинади. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб қирқ фоизга кўп демек. Шунингдек, сиртки таълим шаклига 776 та, кечки таълимга эса 131 та давлат гранти ажратилди. Ўтган йили бу икки таълим шаклига давлат гранти ажратилмаганини ҳисобга олсак, жорий йилги афзалликлар янада аққорлоқ кўзга ташланади. Айниқса, янги ўқув йилидан бошлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга қизларга кундузги таълим учун тўрт физ миқдорда алоҳида грант ўринлари ажратилгани шу йўналишда фаолият юритаётган хотин-қизларга яна бир имконият бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Маданият вазирлиги тасарруфидидаги бешта олий таълим муассасалари: Тошкент шаҳрида 3 та (таънч ОТМлар), уларнинг Нукус ва Қўқон филиалларига 1625 та квота ажратилган бўлиб, сиртки таълимда 550, магистратурада 116 нафар талаба ўқийдиган бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон давлат консерваториясига 375 та, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига 700, Нукус филиалига 225, Фарғона филиалига 175, Миллий рақс ва хореография академиясига 150 нафар талаба қабул қилиниши давлатимиз раҳбарининг маданият соҳасига бераётган алоҳида эътибори намунасидир. Ушбу талабалар келгусида Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасидаги сабъ-ҳаракатларда фаол иштирок этишлари шубҳасиз.

Энди пандемия давридаги қабул жараёнлари, абитуриентларга яратилаётган қулайликлар ва қатъий амал қилиниши зарур бўлган қондаларни эслаб ўтамиз. Энг муҳими, ҳужжатлар онлайн тарзда, уйдан чиқмаган ҳолда қабул қилинади. Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш 20 июндан 20 июлгача давом этади. Магистратурага эса ҳужжатлар июль ойининг бошидан охиригача қабул қилинади. Яна бир эътиборлиси, бу йил абитуриентлар фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган олий таълим муассасаларига олдингидек учта эмас, бештагача бакалаврият таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишлари мумкин. Карантин шароитида абитуриентларни қўйиб қўймаслик мақсадида фақат 2020–2021 ўқув йили учун истисно тарқасида қабул тест синовлари мажбурий фанларсиз, содда шаклда ва қисқа вақт ичида иккита мутахассислик фанларидан ўтказилиши режалаштирилган. Колаверса, Бехзод Мусаев таъкидлаганидек, бу йилги тестларда саволларнинг осонлаштирилиши ҳам абитуриентлар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин юқорида келтирилганидек, бу каби қулайлик, имконият ва имтиёзларга муносиб жавоб бўлиши ҳам керак. Яъни имтиҳон топшириш қондаларига қатъий амал қилиниши зарур. Акс ҳолда абитуриент нафақат бу йилги имтиҳонлардан, балки кейинги йил учун бўладиган қабулга ҳам қўйилмайди. Бундан ташқари, Давлат тест маркази маълумотларига кўра, инфекция бутунлай бартараф этилмаган шароитда 1000 ўринлик билноларда имтиҳон пайти 3-4 соат қолиб кетишига руҳсат берилмайди. Шунинг учун ушбу ўқув йилида тест синовлари ўтказилаётган билноларда кўпи билан 700 тагача ўрин тайёрланади, ҳар бир абитуриент учун камида уч квадрат метр жой ажратилади. Карантин, санитария-гигиена қондаларига кўра ниқоб, қўлқоп билан тестда иштирок этишлик таъминланади. Камида тўрт мартаба дезинфекция қилинган билноларга тест топширувчининг тана ҳарорати ўлчангачигина киритилади...

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган раҳм-рўхсатлардан унумли фойдаланиш, тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилиш абитуриентларнинг 1 августда бўладиган тест синовларидан муваффақиятли ўтиб олишларига замин яратади. Бу йўлда барча илмга чанқоқ ёшларимизга омад ёр бўлсин деймиз.

Сайёра РИХСИЕВА, “Маданият” газетаси муҳбири

Муносабат

Мақсад — аниқ, манзил — ойдин!

Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, айниқса, навқирон авлоднинг санъатга қизиқтириш, иқтидорли ёшларимизни топиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу йилнинг 26 май кунин муҳтарам Президентимиз томонидан «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилиниши катта тарихий воқеа бўлди.

Юртимизнинг миллий маданиятини янада ривожлантириш, янги Ўзбекистон тарихини яратиш, моддий маданий меросларимизни асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижоди ва ҳаваскорлик санъатини янада тарғиб этиш, мамлакатимизнинг жаҳон маданий ҳаётида жадал интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасининг инновацион тараққиётига қаратилган мазкур тарихий ҳужжатлар узоқ кўзланган мақсадларга эришишда манзилимизнинг ойдин келажак билан таъминланишига хизмат қилади.

Фармонга кўра, тўлиқ жонли ижрода ўтказиладиган концертлар учун ижара ҳақи 50 фоиз чегирма асосида бериладиган бўлди. Давлат органлари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар концерт-томоша хизмати асосида олиб бориладиган таълим хизмати кўрсатганда, албатта, ёзма ва иш ҳақи ҳисобига тузиладиган шартнома тузилиши, санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи палата ташкил этилиши белгиланди. Шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, ҳар ойнинг биринчи яқшанбаси “Очиқ эшиклар кунин” деб эълон қилиниб, музейларга кириш bepул бўлди. Ҳар бир туман ва шаҳарда бошқичма-бошқич ўлкашунослик музейлари ташкил этилади. 15 апрель санаси Маданият ва санъат соҳаси ходимлари кунин деб белгиланди. Албатта, бундай эътибор ва раҳм-рўхсат учун маданият ва санъат соҳаси ходимлари чексиз миннатдордир. Чунки яратилаётган қулайлик ва имкониятлар жамиятимиздаги ижодкор инсонлар, санъат усталари билан бирга соҳа ходимлари бўлган эътибор ва ишонч қўйиб олинди. Шунингдек, республикамизнинг ҳар бир



худудда кўчма цирклар (шапито, дарвозлар гуруҳлари) ва ҳайвонот боғлари ташкиллаштириладиган бўлди. Вазирликка қарашли Маданий мерос департаментининг иш фаолияти бир қанча энгилликлар берилиб, унинг қошида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда Бадий экспертиза бўлими ташкил этилиши белгиланди. Бу ҳам бизнинг ёш мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг илмий ва ижодий иқтидорларини юзага чиқариш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди. 2020–2021 ўқув йилидан бошлаб ноталар тўплами ва махсус муслиқ адабиётлар давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан chop этиладиган ва таълим муассасаларига етказиб бериладиган бўлди. Эндиликда болалар мусиқа ва санъат мактабларида кам таъминланган оила фарзандлари ва имконияти чекланган болалар ҳам таълим олишади. Мақом санъати, бахшчилик, қўшиқчилик соҳалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган янги Юнус Ражабий номидидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг ташкил қилиниши ҳам бизнинг асрлар оша миллий бойлигимиз ҳисобланган қўшиқчилик санъатининг янада ривожлантириш, улуг устозларимиз давомчилари етишиб чиқишига ҳисса қўшади. Вазирликка қарашли Республика мусиқа ва санъат коллежи, В.Успенский ва Р.Лизер номидидаги мусиқа таҳсилгоҳларининг Республика их-

тисослашган мусиқа мактабларига айлантирилиши, Карим Зарипов номидидаги Республика эстрада ва цирк коллежининг қайта ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Моҳир қурувчи ажойиб иморат бунёд этса, у қаҳқий санъат асарини ҳисобланади. Шундай экан, маданият ва санъат арбоблари, ижодкор зиёлилар миллиятнинг маданият ва маънавий юзидир. Айнан шу сабаб маданият – миллият ойнаси, жамият юзи саналади. Ҳар бир миллият ўз маданиятини чуқур ҳис қилмаса, у қанотсиз қуш мисолидир. Сир эмас, бугун аксар ёшларимиз гарб маданиятининг айрим турларидан андоза олаётган бир пайтда, уларни миллий қадриятларимизга мос тарбиялаш, ўзлимизни англаш, Она Ватанини севинишга ўргатиш, миллий меросларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни уйғотиш ҳар биримизнинг бош вазифамиздир.

Давлатимиз раҳбарининг бутун дунёни ларзага солган коронавирус пандемияси хавфига қарамай юртимиздаги барча соҳаларнинг баравар ривожланишига жонқуярлик билан ёндашиши мақтовга сазовордир.

Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлиши учун бетакрор маданият ва қадриятларимизни чуқур ҳис қилувчи жамиятни шакллантириш лозимлигини асло унутмаслигимиз керак. Шундай синовли кунларда маданият соҳаси ходимларини руҳлантирган ушбу ҳужжатлар давлатимиз маданияти ва санъатини янада ривожлантириш йўлидаги мақсадимизга қанот бўлиб, ойдин манзил сари шохдам оқимлар қўйишга куч бағишлайди.

Қалбай ТУРДИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Маданият вазири

Давоми. Боши 1-саҳифада

Консерваторияга янги ректор тайинланди

Ўрганиш натижалари ва билдирилган фикрларга кўра, К.Ўринбоев ўзбек ва жаҳон классик мусиқа дурдоналарини яхши билладиган, симфоник оркестрлар фаолиятини самарали ташкил этиб, бу йўналишда дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ҳамкасблари билан доимий алоқа ўрнатган малакали мутахассисдир.

У ўз фаолияти давомида Италия, Франция, ва Россия каби давлатларда соҳа бўйича тажриба орттирган.

Айни пайтда “Ўзбек миллий мусиқа санъатини ривожлантиришда Фаробий асарларининг ўрни” мавзусида докторлик диссертациясини яқунлаш арафасида.

Камолдин Ўринбоевга ушбу вазифани сидқидилдан адо этишида катта ишонч билдирилди. Шунингдек, ўзига хос ёндашуви орқали санъат соҳасини янада ривожлантириб, дунёга олиб чиқиб кетмаслигига эътибор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ахборот хизмати



Халққа хизмат

Сардоба-ликлар учун бир кун



12 июнь куни Сирдарё вилоят мусиқали драма театрининг бир гуруҳ ижодкорлари Гулистон ихтисослашган олимпия захиралари мактаб-интернатидеги Сардоба талофатидан эвакуация қилинган аҳоли даврасида бўлишиди. Уларга Н.Аббосхон қаламига мансуб “Инсон ўзинг...” спектакли, ҳажвий кўринишдаги ранг-баранг саҳна кўринишлари ва театр хонандалари иж-

росида дилтортар куй-қўшиқлар тақдим этилди. Томошалар санитария-гигиена талабларига риоя этган ҳолда намоиш қилинди.

Ижро этилган спектакль ва мусиқали томошалар барчага бирдай манзур бўлди. “Инсон ўзинг...” спектакли театрининг бош режиссёри Мансур Холиқов томонидан саҳналаштирилган бўлиб, ролларни устоз санъаткорлар ҳамда ёш истеъдо-

ли ижодкорлар гавдалантирди.

Спектаклдан сўнг театрининг хушовоз хонандалари Ўткир ва Ўктам Исоқовлар томонидан шўх қўшиқлар ижро этилиб, барчага кўтаринки кайфият улаштирди. Иқтидорли актёрлар Шерзод Каттабобоев ва Хусан Мусурумқуловлар ижросидаги юморга бой латифалар ҳамда саҳна кўринишлари қалбларга завқу шавқ бағишлади.

Келажак авлод учун



Мақом санъати ҳам эътиборда

Президентимизнинг маданият ва санъат соҳасига доир деярли ҳар бир қарор ва фармонида миллий мақом санъатига оид банди бўлади. Бу биз мақом ижрочиларини албатта қувонтириб, миллий санъатимиз йўлида ғайрат ва шижоат билан ишлашимизда куч-қувват бағишлайди. Шу билан бирга мақом ихлосмандларини ҳам хушнуд этади.

2020 йил 26 май куни “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда ҳам айнан миллий мақом санъатини ривожлантиришга доир алоҳида кўрсатмалар берилган. Бу Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Ўзбек мақом санъати факультети” ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги,

бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг ташкил этилишидир.

Бу даргоҳ Ўзбек мумтоз мусиқасининг келажак авлодга хизмат қиладиган олий даргоҳи сифатида тарихга битилади. Эндиликда нафақат мумтоз мусикаларимиз, балки ижод қилишни ҳам ўрганишимиз керак. Мазкур даргоҳда мақомларимизнинг назарий билимларини чуқур эгаллаб, ижод сирларидан ҳам сабоқ олиш мумкин бўлади. Энг муҳими, бу таълим даргоҳидан келажакда мақом, бахшичилик санъатини дунёга тараннум этадиган забардаст ҳофизлар ва созандалар, аjoyиб бахшилар ва етуқ мусиқашунос мутахассислар етишиб чиқишига ишончимиз комил.

Албатта буларнинг барчаси миллий анъаналаримизни, халқ оғзаки ижодиётимизни, Ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлашга умрбод хизмат қилади. Биз мақом ижрочиларининг мақсад ва ниятимиз шундан иборатки, миллий мақомларимиз, Шашмақомни, халқ ашулаларини, Ўзбек бастакорлари томонидан мақом йўлида яратилган куй-қўшиқларни кейинги авлодга безавол етказиб бериш. Ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш, улар онгини ёт гоёларга қарши ўстириш ва миллий мақом санъатига қизиқтириб, ўргатиб, ижроларини жаҳон саҳналарида кўришдир.

**Зариф Маҳмадалиев,
Сурхондарё вилояти намунали «Мақом» ансамбли бадий раҳбари**

Долзарб мавзу

Ҳуқуқий маданият ривожланмас экан, жамиятда ёз-ёзлар ва аризабозликлар “урчйиверади”

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ. Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва бурчларини пухта билиши, буни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамоғи лозим. Фуқароларда ҳуқуқий маданият ривожланмас экан, жамиятда ёз-ёзлар авж олиб, аризабозлик “урчйиверади”.

Сўнгги вақтларда юртимизда турли идоралар мутасаддилари ёки баъзи шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситишига доир хабарлар тарқалмоқда. Бунинг асл сабаби одамларда ҳуқуқий билим етишмаслигига бориб тақалади.

Куни кеча ижтимоий тармоқларда бир видеога кўзим тушди. Кўринишидан олдингина кийинган аёлга арифодларнинг гап-сўзи, фикр-мулоҳазалари кор қилмасди. У янги қўрган уйининг ҳеч қандай сабабсиз бузилаётганини кўзида ёш билан изоҳларди. Ушбу видеои томоша қилган борки, давлат бошқарув тизими ҳақида салбий фикрини ёзиб қолдиришга шошилади. Бироқ ҳеч қимнинг ҳаёлига, эҳтимол, аёлнинг ўзи қандайдир ноқонуний ишга қўл ургандирки, унга нисбатан шундай чора кўрилатгандир деган фикр келмади. Аслида-чи...

Ҳолат ўрганилган, барчасига оидинлик киритилди. Маълум бўлишича, аёл фермер билан тил бириктириб, ҳўжалик ҳисобиде турган ери ноқонуний равишда ўзлаштириб олган экан. Унинг ерга эгалик қилиш бўйича ҳеч қандай асоси бўлмаса-да, фермернинг гапига ишониб, уч хонали уй қуриб олгани аниқланди.

Уй – ҳар бир инсоннинг ватани. Хотиржам яшаш макони. Уйи бор одам келажакка ишониб, бемалол умргузаронлик қилади. Шунинг учун уйни бузиш ҳар бир виждони уйғоқ инсон учун жуда оғир юмуш. Бундай вазият кишидан сабр, матонат, ирода талаб этади. Шу боис ҳар бир фуқаро уй қуришда қонун талабига риоя этиши керак. Агар қуриб олай, кейин бир гап бўлар деган уйда юрсангиз, мушкул вазиятда қолшингиз тайин. Келтириб ўтганимиздек, ўйламай қилинган иш инсонга ташвиш келтиради.

Яқинда бир фуқаро ташкилотимизга жуда серкатнов бўлиб қолганини кўриб, уни қийнаётган муаммо билан қизикдим. У ўзини жабрдийда қилиб

кўрсатишга ҳаракат қиларди.

– Синглим, 1999 йилдан буюн фойдаланиб келган томорқамни ўз номимга ўтказиб олиш учун 2018 йилда қилган муурожаатимга ҳалигача жавоб ололмайдим. Мутасаддилар эрта келинг, индин келинг деб сарсон қилгани-қилган. Мана уч йилдирки, муаммом ҳал этилмади.

Унинг қўлидаги ҳужжатлар билан бирма-бир танишиб чиқдим. Ўтган уч йил давомида бир хил мазмундаги ариза туман ва вилоятдаги етти тасуадди ташкилот раҳбарларига, қолаверса, Президент, бош вазир қабулхоналаригача юборилган. Унинг ҳар бир хатига “Сиз ўтган йиллар давомида давлатга солиқ тўламай, ўз манфаатингиз учун фойдаланиб келган ер фермер ҳўжалгининг балансида турибди. У ердан ноқонуний фойдаланиб, узок йиллар давомида даромад олиб келгансиз. Мазкур ер уй қуришингиз учун сизга берилмайди”, деган мазмунда жавоб хати келган. Уларни кўрсатганимга муурожаатчи “Бу муурожаатимга муносиб жавоб эмас. Менинг муурожаатим ижобий ҳал этилсагина, ёшидан тўхтайман. Ижобий ечим топилмагунча ёзавераман” деб яна бир даста қоғозни менга узатди. Уларда бу одамга қимдир уй қуриши мумкинлиги тўғрисида қандайдир идоранинг ҳулосасини тайёрлаб берган ва бу Давлат хизматлари агентлиги орқали амалга оширилганини айтиб, уларни 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм пул ҳам олишган. Эндиликда бу фуқаро сарсон. Лекин у кимнинг айби билан шу ҳолатга тушган – буни ўзингиз ҳам англадингиз, тўғрими?!

Айни пайтда шунга ўхшаш кўчадаги “ҳўжатбор”лар ёлғонига учаётганлар кўпчилигини ташкил этмоқда. Газета, китоб ўқимайдиганлар, ўз ҳуқуқий онгига бефарқ инсонлар шу қўйга тушишади. Ҳулоса қиладиган бўлсак, фермер ҳўжалиги балансида турган ердан йиллар давомида солиқ тўламай,



ноқонуний равишда фойдаланиб келган фуқаронинг аризаси ижобий ҳал этилиши мумкинми?!

Яқинда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун қурилган янги уйлاردан бирига муносиб деб топилган фуқаролардан бири қўлидаги сертификат билан эшик қоқиб келаркан, салом-алиқни ҳам насиа қилиб, “Бизга берилган уй Президент совғаси бўлса, нега унинг учун пул тўлашимиз керак?” дея сўз бўшлади. Қўлидаги ҳужжатлардан бирига кейинги тўловларни ўзим тўлаб бораман деб қўл қўйган бўлса, яна бирида банк билан кейинги тўловларни ўзи амалга ошириши тўғрисидаги шартномага имзо қўйган. Маълум бўлишича, ногиронларга берилган уйлارнинг бошланғич тўловини давлат тўлаб берган. Қолганини ўзлари тўлаб боришлари белгиланган. Бирок ҳуқуқий маданият етишмаслиги сабаб бу ўринда ҳам тушунмовчилик юзага келган.

Ҳозирги вазиятда иморат тиклашнинг ўзи бўлмайди. Пул сарфлаб уй қуришга киришишдан олдин унинг заминини (ҳўжатларини) мустаҳкамлаб олиш учун катта билим ҳам, заковат ҳам талаб этилмайди, инсонда ҳуқуқий онг шаклланиб бўлса қийфа.

Бу ҳақда гап кетганда яна бир омилни келтириб ўтиш жоиз. Ерларни ноқонуний эгаллаб олаётган фуқароларнинг кўпайишига ўша ердаги мутасаддилар бефарқлиги, ўз вақтида тўғри маслаҳат бермасдан, ноқонуний ҳаракатларга панжа орасидан қарагани ҳам сабаб бўлган. Катта айрим мутасаддиларнинг ўзлари ўша ноқонуний ишларга бошқоқ бўлаётгани галвир сувдан кўтариладиганда юзага чиқаяпти.

Мақсадимиз бировни оқлаш ёки қоралаш эмас. Аксинча, ҳаётда, кўз ўнгимизда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилиб, ҳамюртларимизга маъсулиятини эслаб қўйиш.

Нигина ШОЕВА, журналист

Муносабат

Жамиятда одоб-ахлоқ, ғурур, орият каби соф инсоний туйғуларни камол топтириш, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда маданият ва санъатнинг ўрни беқиёс. Ҳеч бир халқ тараққиёти, мамлакат ривожини миллий маданиятдан айро тасаввур этиб бўлмайди.

Вилоят қўғирчоқ театри энди ўз биносига эга бўлади?



Юртимизда ҳам маскур соҳа ривожига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу аждодлар анъаналарини қайта тиклаш, бой миллий маданиятимизни тарғиб этиш ва соҳанинг моддий асосларини мустаҳкамлаш, замонавий маданият муассасаларини бунёд этиш каби ишларда яққол кўзга ташланади.

Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Биргина, қўғирчоқ театрлари мисолида оладиган бўлсак, тан олиш жоиз, сўнгги йилларда бу соҳа ўз имкониятларини бориचा намоён этолмай келаётгани. Бойси, аксарияти ўз биносига эга эмас, моддий-техник томонларга муаммолар мавжуд, салоҳиятли кадрларга эҳтиёж юқори эди.

Эндиликда аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган, халқимиз миллий маданиятини ўзида жо этган қўғирчоқбозлик томошаларига эътибор қучайтирилди. Бу юртимиздаги барча қўғирчоқ театрлари жамоалари зиммасига жуда катта масъулият юкляди.

Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри 1994 йил вилоят мусиқали драма театри қошида ташкил этилган. Орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтбдики, у ўз биносига эга эмасди. Айни вақтда театр вилоят “Баркамол авлод” болалар марказига тегишли, мослаштирилган бинода, ижарада фаолият кўрсатмоқда. Бу, албатта, маълум даражада имкониятларни чеклайди.

Президентимиз Фармонида вилоятлардаги бир қатор қўғирчоқ театрларига янги бинолар қурилиши белгиланиши ва бу рўйхатда бизнинг ҳам борлигимиз жамоамизга янада юқори кайфият, янги руҳ бағишлади.

Бу янгилик билан қашқадарёлик ёш томошабин дўстларимизни ҳамда театрининг фидокор ходимларини табриқлайман.

**Элбек ЭШМУРАДОВ,
Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри директори**

Маданий ҳамкорлик
ТУРКСОЙ
журнали
Ўзбекистон
ҳақида
нималарни
ёзди?



Халқаро Турк маданияти ташкилоти (ТУРКСОЙ) журналининг 60-сонида юртимиз ҳақида бир қатор мақолалар чоп этилди. Уларда Ўзбекистоннинг 2019 йилда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига тўлақонли аъзо-давлат сифатида қўшилиши, президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасидаги ташаббуслари юқори баҳоланган.
ТУРКСОЙ журнали 2020 йилда Хива шаҳри "Турк дунёсининг маданий пойтахти" деб эълон

қилинишига алоҳида эътибор қаратган. Ушбу мавзу юзасидан, хусусан, туркчилик олим, Йилдирим Боязит номи университетининг Сибёст-шуносик ва давлат бошқаруви факультети доценти, с.ф.н. Айше Чолпан Ялдиннинг "Қадимги Хива шаҳри - Турк дунёсининг маданий пойтахти-2020" номи мақоласи чоп этилган.
Ўзбекистон ҳақидаги мақолалар ранг-баранг фотосуратлар билан безатилган ҳамда инглиз тилида қисқача мазмуни билан турк, рус тилларида тақдим этилган.

Журнал турк дунёси мамлакатларида кенг тарқатилиб, ТУРКСОЙ расмий веб-сайтига рақамли шаклда жойланади.
Халқаро Турк маданияти ташкилоти 1993 йилда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва Туркия маданият вазирлари томонидан имзоланган шартнома асосида тузилган. ТУРКСОЙ ҳам ЮНЕСКО сингари халқаро майдонда маданият соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлашга ҳизмат қилади.

Табият ва инсон

Ёз фасли ўзининг қувноқ, ёрқин таассуротлари билан кўпчилиكنинг ёдида қолади. Баъзан шаҳар, айниқса, жўшқин пойтахт ҳаётидан, жазирама иссиқдан толиққанлар сокинликни, кенгликларни кўмасб, сўлим табият қўйнига ошиқадилар. Кимдир оилавий, кимдир дўстлар ҳамроҳлигида, кимдир жамоа билан мароқли дам олишни истайди. Ўзининг салқин, муътадил об-ҳавоси ила дилларга хузуур-ҳаловат берувчи тоғ ва унинг ён-бағирлари бу фаслда домгидек одамлар билан гавжум бўлади. Ахир табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишининг ҳам роҳати ўзгача.
Бироқ орамизда "раҳмат" ўрнига табиятга озор берадиганлар ҳам кўп. Табиат қўйнида ейилган озиқ-овқатнинг бир мартали идишлари, мева-сабзавот қолдиқларининг дуч келган жойга ташлаб кетилиши аксариятимизга таниш маззара, шундай эмасми?! Ҳатто, автоулов ойнасидан бўш пластик идиш, целлофан пакет ёки мева пўчоқларини отиб кетиш ҳолатларига ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз. Бу экологик маданиятимизнинг қанчалар тубан аҳволда эканидан далolat эмасми?! Ёки қайсидир маънода омонатга хиёнат бўлиб қолмасмикин?!
Биздан ўрнак оладиган фарзандларимиз эртага бу намунамизни ҳеч иккиланмай такрорлашмигига ким қафолат беради? Вазият шу тариха давом этса, ҳаммаёқ чиқиндиҳонага айланиб кетиши мумкин-ку! Ҳа, бутун экологик маданият барчамиз учун муҳим!..

Бу омонатга хиёнат эмасми?!

БУ ҲАМ ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ БИР КўРИНИШИ

Малика АБДУҲАКИМОВА, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ходими

Юқорида келтирилган ҳолат, афсуски, аҳоли ўртасида тез-тез кўзга ташланади. Фаросатсиз кимсалар табият қўйнида овқатланиб бўлгач, дастурхонларни йиғиштириб, ортиқча чиқиндиларни осонгина ён-атрофга улоқтиришади. Гўёки "Туя кўрдингми - йўқ!", дегандек. Улардан қолган ахлат, чиқиндилар шундай сўлим маскани бефайз қилиб қўяди.

Энди тасаввур қилинг: ҳаммаёқ целлофан пакетлар, пластик идишлар, қороз ва овқат қолдиқлари... Шу ерда кунда ўтлаб юрадиган чорва моллари овқат қолдиқлари билан бирга целлофан пакетларни ҳам чайнаб ютиб юборади. Натижада кўп ўтмай касалланиб, оғирлашиб қолади ёки бечора жонивор ҳаром ўлади. Бир хонадонни сут, қатиқ, қаймоқ билан таъминлаётган, келажиги учун бир мулк сифатида сақланаётган ёки озуқа-ғўшт бўлиши назарда тутилган жонлиқ арзимаган сабаб билан нобуд бўлса?! Киши ҳаёлига келмаган, ўзи истимаган ҳолда юртдошига ёмонлик қилса?! Жабрдийда оила вақили молининг ҳаром ўлишига сабабчи бўлгани, эҳтимол, қўли билан тутмас, аммо дили оғриб, қарғамаслигига ким қафил бўлади?!

Транспортлар ҳаракатланадиган йўлларда целлофан пакетлар учиб юрганини, пластик идишлар йўлак бўйлаб ёки ариқларда сочилиб ётганини гапирмасам ҳам бўлади. Бундай ҳолат кимларнингдир дилини хира қилса, кимларгадир табиий ҳолдек туюлади. Ўйингизми давлатимиз ён-атроф тозаллигига масъул ходимларни ёллади. Йўқса, шаҳарларимиз аллақачон "АХЛАТКЕНТ"га айланармиди?!

Бош қомусимизда экология ва атроф-муҳит масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, хусусан, 50-моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари, шунингдек, 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлик бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бугун бу борада қонунга итоткорлигимиз қаерда қоляпти?!
Наҳотки, ахлат ташлашга чиқиндиҳона топилмасми?..

Ҳа, бугун ёшлар ва уларнинг тарбияси ҳақида кўп гапирляпти. Лекин биз катталар уларга экологик таълим-тарбия беришда ўрнак бўла оламизми? Ўрни келганда анчадан бери ҳаёлимизда кетмаётган бир воқеани айтаётган бўлишимиз.

Кўча юзидан эни бир қулоч келадиган ариқ ва унда тиниқ зилол сув оқаяпти, лекин унинг четидоғи ахлатлар киши дилини хира қилади. Бир куни шу ариқ ёнида йўлакча бўйлаб кетаётсам, ёнимдан "Капитива" русумли машина ўтиб, сал нарироқда тўхтади. Кейин унинг орқа эшиги очилиб, бир онахон тўсатдан қора целлофан халтачадаги ахлатни ариқдаги сувга улоқтирди ва шу заҳоти эшик ёпилиб, машина юришда давом этди...

Ушунда ҳаёлимиз турли саволлар қўйилиб кела бошлади: бу онахоннинг ахлат ташлайдиган фарзанди ёки набираси йўқмикин?! Наҳотки, ахлат ташлашга ариқ топилса-ку, чиқиндиҳона топилмасми?! Сувни булғаш маданиятга зид, гуноҳ эканини шу ёшчақча тушунамаган бўлса, бундайларнинг авлодидан нималарни кутиш мумкин?! Ахир, бу нафақат сувни, балки маданият ва маънавиятимизни ҳам булғаш эмасми?!

КУШ ИНИДА КўРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Қодиржон ота АҲМЕДОВ, маҳалла фуқаролари йиғини раиси
Афсуски, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар айрим кишилар сабаб бузилмоқда. Ва бу жараён Она табиятга, қолаверса, киши саломатлигига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Биз соғлом ва экологик ҳаёт тарзини олиб боришни, аввало, оиламиздан бошлашимиз керак. Бу жараёнга албатта ўз фарзандларимизни ҳам жалб этишимиз лозим. Зеро, "Куш инида кўрганини қилади" деганларидек, экологик тарбия ҳам оиладан бошланади. Агар бу масала оилада тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, уни мактабларда, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жараёнларида қарор топтириш қийин кечади.

Бошларга экологик таълим-тарбия беришни боғча ёшидаёқ бошлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, улар онгига атрофни ифлослантirmаслик учун ахлатларни махсус идишларга ташлашни, ниҳолларни синдириб, пайхон қилмасликни, қўшлар инини бузмаслик каби хатти-ҳаракатларни сингдириб бориш керак. Оила даврасида фарзандларга катталар томонидан "Сувга туфлама, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади", "Ўтлаб турган мевали даракт шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қилсан", дея панд-насихатлар бериш зарур. Бу ҳам фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларида ҳизмат қилади.

Бугун ҳаммамиз тоза сув захиралари тўтаб бораётганини биламиз. Шунга қарамай кўпчиликнинг сувдан фойдаланмаётган вақтда ҳам жўмрақни мемалол очиб қўйишига гувоҳ бўламиз. Бундай эътиборсизлик туфайли водопровод (кран) сувининг тахминан 20 фоизи беқордан-беқорга каналлаштириб оқиб кетади. Ёки ёки кунлари водопровод сувига шланкча улаб олиб, машина, тилам ювиш ҳолатлари кўп кузатилади. Ахир, бу тоза ичимлик сувига, дунёнинг қайсидир бурчагидан унинг бир томчисига зорлар қанча!
Шундай экан, ҳар бир фуқаро - у ёш бўладими-кексими - бирдек экологик маданиятга қатъий амал қилиши шарт.



БЕФАРҚЛИКДАН ҚОЧАЙЛИК!

Шахноза ЯҲЁЕВА, олий тоифали шифокор-терапевт

Этироф этish жоизки, инсон ҳаёти учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичлари экологик нормативларга мослигини таъминлаш ҳам бугунги куннинг глобал муаммоларидан биридир.

Илмий маълумотларга қўра, инсон энг камида 120-140 ёшга чача яшashi мумкин, афсуски, ҳозирги замонда одамлар умри икки баробар қисқариб кетмоқда. Атроф-муҳитнинг нопоклиги ҳам бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Биласизми, чиқиндиларни тўғри келган жойга ташлаш ерли аҳоли ўртасида ичбурӯғ, ичтерлама, вабо, вирусли гепатит, сил, гижжа сингари юқумли дардлар урчишига олиб келади. Энг хавфлиси, юқумли хасталиклар микроби ташқи муҳитдаги сув ва тупроқда узоқ вақт касаллик чақирish қобилиятини сақлайди. Атрофимизда шунчалик кўп микроблар яшар экан, фарзандимизнинг ҳовлида ўйнаши, очик сув ҳавзаларида чўмилиши қанчалик хавфли эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Аҳоли орасида, айниқса, болаларда учрайдиган қўлаб юқумли касалликларнинг асосий сабабчиси ўзимиз, яъни чиқиндиларни дуч келган жойга ташлашга ундовчи бефарқлигимиз эмасми?! Ҳамма айб ўзимизда - бепарво, лоқайдмиз. Сув, ҳаво булғаниши, ҳар хил касалликлар тарқалишига асосан ўзимиз айбдор эканимизни шунчаки тан олгимиз келмайди. Чиқинди ҳар хил дардлар ўчоғи эканини ўйламаймиз, болаларимизга ҳам тушунтирмаймиз. "Олиб бор, бирор кўздан пана жойга тўкиб кел", деб буорамиз. Ахир, бу одамзодга хос бўлган иш-ку!

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши нафақат инсон, балки атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан, сайёрамиз келажиги ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятига ҳам боғлиқ. Шу боис мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини табиатни асраш ишига фаол жалб қилиш, экологик маданиятни оширишда жамоатчилик ролини қучайтириш давр тақозосидир.

КЕЛАЖАККА ҚАНДАЙ ТАБИАТНИ МЕРОСГА ҚОЛДИРЯМИЗ?

Диёра ШАРИПОВА, Ўзбекистон Экологик партияси Маркази Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларда мутаносиблик инсоният табиятдан фойдаланишда табиат қонунларига эмас, аксинча, шахсий манфаатларига асосланиб фаолият кўрсатиши оқибатида сезиларли даражада бузилгани, яъни дунёнинг турли бурчакларида табиий офатлар: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби талафотларнинг рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон табиий муҳитга таъсир этар экан, унинг ўзи ҳам "акс таъсир" та дуч келмоқда. Эндиликда булар одамзоднинг ўзига ва унинг соғлом табиий муҳитда яшашига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Дунё экологик муаммолардан қалқияпти. Глобал экологик муаммолардан бутун бориқ хавф остида қолмоқда. Иқлим ўзгариши, чўланиши, сув танқислиги, ўрмонларнинг кесилиб кетиши, био хилма-хилликнинг қисқариши, Орол фожаси буларнинг барчаси Тамаддуни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. "Биз келгуси авлодга қандай табиий мерос қолдирялмиз?", деган ўрнили савол пайдо бўлмоқда. Маълумотларга қўра, инсоният олдиде глобал экологик муаммоларни ҳал этишга бор-йўли 10 йил вақт қолди. 2030 йилларга бориб тамаддун экологик муаммоларни қайтаришмас нуктага олиб бориш қўйиши мумкин деган эҳтимол мавжуд.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляптир. Шу пайтгача ҳозирги ва келгуси авлодлар учун беғубор табиий муҳитни сақлаб қолиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш муаммоларини босқичма-босқич ва изчил ҳал этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда она табиятни сақлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалалари соҳасида ўзига хос қонунчилик базаси яратилди. Глобал экологик муаммолар кескинлашган шароитда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қонунлар, қонуности ҳужжатлари, давлат дастурларининг қабул қилиниши ва уларнинг ижроси бўйича изчил иш олиб бориляётгани, бунда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши беқиёс аҳамият касб этмоқда.

К. АҲМЕДОВА тайёрлади.

Ташриф

Маданият вазири ўринбосари Хоразмда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда давлатимиз раҳбарининг шу йил март ойидаги Хоразм вилояти Хива шаҳрига ташрифи чоғида соҳага оид берилган топшириқ ва тавсиялари ижроси юзасидан Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Жамол Носиров Хоразм вилоятига ташриф буюрди.
У вилоят ҳокими ўринбосари С.Солаев, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Ш.Яхшибоев ва масъул хо-

димлар ҳамроҳлигида Хиванинг мўъжизавий “Ичанқалъа” давлат музей-қўриқхонаси фаолияти билан яқиндан танишди.
Бу Урта Осиёда сақланиб қолган ягона очиқ осмон остидаги шаҳар-музей ёдгорлиғи бўлиб, ўзида кўп минг йиллик меъморчилик, халқ амалий санъатига оид ноёб кўрғазма ва экспозицияларни мужассамлаштирган. Бу ердаги 140 дан ортиқ археологик обидалар эса кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда.
Музейга ташриф буюрувчилар халқимизнинг буюк ўтмиши, аجدодларимизнинг мислсиз иқтисодори,

маънавий қудратидан далолат берувчи кўп асрлик ёдгорликлар билан танишиб, уларнинг бунёдкорлик салоҳиятига тан бермоқда.
Дунё сайёҳларини хамиша лол қолдирган, Ўзбекистоннинг буюк ўтмишидан сўзловчи ёдгорликларни таъмирлаш, музей фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ибратли ишлар вазири ўринбосари томонидан эътироф этилди.
Шунингдек, у янги экспозициялар ташкил этиш жараёнлари, бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича ўз тақлиф-тавсияларини берди.

Ёшлар – келажакимиз

Одоб-ахлоқ ва кийиниш маданияти



Жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ёшлар маданияти, одоб-ахлоқи ҳақида сўз кетганда, уларнинг оммавий маданият таъсирига тушиб қолишларида кўпинча атрофини қураб турган муҳит, аксарият ҳолларда телевидение, концерт залларида халқ олдига ўта замонавий кийиниш қилаётган санъаткорларни айблаш одат тусига кириб борапти. Аслида халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган юксак маданиятли санъаткорларимиз қанча! Кийиниши, оғир-босиқ табиати, соф ўзбек тилида ўз мулоҳазаларини ҳеч бир адашмай баён этиши билан ҳурмат қозонган Ўзбекистон халқ артистлари Озодбек Назарбеков, Фаррух Зокиров, Муножот Йўлчиева, Матлуба Дадабоева, Хасан Ражабий, Насиба Абдуллаева, Ёдгор Саъдиев, Эркин Комилов, шунингдек, Фахулла Маъсудов, Шуҳрат Каюмов, Дилдора Рустамова, Камолитдин Ўринбоев сингари инсоний фазилатларга бой санъаткорларимиз камми орамизда?! Бу номларни яна узок давом эттириш мумкин. Аслида кундалик турмуш ташвишларини орозу хаваслари билан андармон ота-оналаримиз ҳам бу борада масъулиятли бўлиши лозим. Ма-

на оддийгина ҳаётий бир мисол. Тўғри, ҳозирги карантин даврида бундай ҳолатлар кескин камайди, балки бу яхшиликкадир... Шундай бўлса-да, тўғларимиздаги баъзи ҳолатлардан кўз ююмб бўлмайди...
Тўғхонага оппоқ либосли келинчагу зарбоф тўн кийган кувёк кириб келмоқда. Йигилганлар уларни ўрниларидан туриб қарсақлар билан кутиб олишмоқда. Ох, эҳсин оппоқ либослар, ер супуриб келаятган этаклару ярим яланғоч, очик, момик елкалар... “Нима ҳам дердик, модаси шунақа экан-да” дейишади кексалар бир хўрсиниб, бир энтикиб. Кимдир 2-3 ёшли невараларига келин кўйлак, кувёк сарпо кийдириб, ўртага қўйиб юборди. Начора бу ҳам урфга кирган: жажжи болажонларни ҳам келин-кувёликка етказсин!
– Бу ёшларга нима азоб экан-а, шунақа кийиниб – дейди бир онахон. – Ахир кўл кўтариб ўйинга тушишга ҳам торғиниб турибди-ку кўйлагининг торлигидан. Ҳатто

ич кийимининг изларию, бор бисоти шундоққина кўриниб турибди-я?!
Бир пайт тўғини олиб бораётган хонандами, йўқ аслида бир сериалда сипоғина роль ўйнаб эътиборга тулаш қолган актриса (ҳаётда уни кўрмаганлар анграйиб қолишди): сочлар сап-сарик, белгача очик кўйлакда келин-кувёни даврага чорламоқда: “Келибди, келибди, ҳаё билан келибди, ибо билан келибди...”
Шундай қилиб ҳаё билан, ибо билан кириб келган келинчақ кувёнинг бўйнига осилиб вальсга туша бошлади, кейин шўхрок мусиқага рақс... Атрофларини зич ўраб олган йигит-қизларнинг қийқириқлари қулоқларни қоматга келтиради. Бу билан биз маданият, тамаддун деган тушунчаларни инкор этмоқчи эмасмиз. Аммо ҳар ишда мезон, ўлчов бўлиши, мулоҳаза юритиш, миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш зарурлигини вақтининг ўзи кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда оммавий маданият деган иллат хавотирга солиб қўйган ғарбликлар ҳам оилани асраш ҳақида бонг ура бошладилар. Зеро, улар йўл қўйиб берган сохта демократия, бошбошдоқлик, худбинлик, оммавий маданият тараққиёт кушандаси эканини энди ҳеч ким инкор этолмайди. Афсуски, бу иллат ҳозирги кунда айрим иродаси сушт, фикри

саёз ёшларимиз онгига тажовуз қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай сохта обрў, хою-хавасга ота-оналарнинг ўзлари ҳам сабабчи. Шу ўринда яна бир воқеани келтириш жоиз. Ўзига тўқ, бадавлат хонадоннинг қизига совчилар келишди. Қизнинг онаси гап бошлади:
– Икки қиз, уч ўғлимиз бор. Моҳина тўнғичимиз бўлганиданми, бувиси жуда меҳр қўйган. Еру кўкка ишонмайди. Неварасининг айтгани айтган, дегани деган. Мана ҳозир ҳам отасининг “Этика”сини миниб кетди. “Ласетти”ни хохламай қолган. Ана ўзи ҳам келиб қолди...
Совчилар ялт этиб эшик томонга қарашди. Остонада ўта тор, устига-устак тиззалари йиртиқ, калта шим кийган, юзи-кўзи, сочлари, ҳатто тирноқлари ҳам турли рангда бўялган бир бедаво турарди. Кошона уйга анграйиб ўтирган совчилар энди қизга қараб қотиб қолишди. Наҳотки?! Ана сизга маънавий кўрлик, оммавий маданият! Меҳмонларга чойни кичик қиз олиб кирди: унинг кийиниши бир мунча одмирок, гулдор шими ярашгандек, аммо устидан калтароқ қўйлақми, халатми кийса бўлар экан... Шундай қилиб совчиларнинг хафсаласи пир бўлиб қайтишди... Балки, мулоҳазаларимиз баъзи ёшларга эриш туюлар, лекин ҳаёт отлиғ неъмат инсонга бир бериларди. Ўсиб-униш, оила қуриш, фар-

занд тарбиялаш, охир-оқибат кексаликда роҳат-фароғатда яшаш учун ҳам муносиб меҳнат қилиш, келажак пойдеворини мустақкам қўйиш керак.
“Қуш уясида кўрганини қилади” дейишади. Демак, одоб-ахлоқ, энг аввало, оила муҳитида ота-она ибрати билан шаклланади. Шунингдек, оиладан сўнг мактаб, лицей, олий илм даргоҳларида устоз-мураббийлар, маҳалларда кексаларимиз, фаоллар ёшларнинг юриш-туриши, кийинишига эътибор беришлари, ҳар бир нуқсонун камчиликларини ойнада акс этганидек кўрсатиб боришлари керак. Маънавият-маданиятимизнинг энг зарур жиҳатлари бўлмиш ички ва ташқи гўзаллик, уларнинг мутаносиблиги шу кенг жамоатчилик, дахлдорлик тўғриси билан яшаётган фидойилар ёрдами билан гуллаб-яшнайд. Бу ҳақда юртбошимизнинг шундай сўзларини келтириш жоиз: “Айниқса, ҳозирги шароитда дунёда қучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда”. Бу борада мамлакатимиз ҳудудларида, вилоятларимизда давлатимиз раҳбарининг беш ташаббуси бўйича олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.
Карантиндан сўнг илм даргоҳлари бағрини тўлдирадиган ўғил-қизларимиз ўзларининг одоб-ахлоқи, замонавий, миллий либослари билан дилларни яйратиши шубҳасиз. Агар тарбияда кемтиклик бўлмаса, ҳар қандай иллатлар ёш авлод онгига таъсир кўрсатолмайди.

С.ЭШМАТОВА

ТОП – 13

Уч нафар хонандамиз Марказий Осиё гўзаллари рўйхатида

Ўзбекистоннинг уч нафар хонандаси Хитой наشري тузган Марказий Осиёнинг энг гўзал хонандалари рўйхатига киритилди.
Бу ҳақда Хитойнинг “Янги буюк ипак йўли” наشري хабар қилди. Рейтингдан ўзбекистонлик хонандалар – Шаҳзода, Райҳон ва Лола Йўлдошевлар ўрин олган. Шунингдек, унда Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг энг машҳур қўшиқчилари номлари ҳам келтирилган. Рейтинг муаллифлари Марказий Осиё нафақат ўзининг гўзаллари, балки истеъдодли хонандалари билан ҳам машҳурлигини таъкидлаб, ТОП-13 хонандалар рўйхатини тақдим этишди.



Хотира

Барҳаёт сиймолар

Ўзбекистон халқ артисти Киёфот Муслимова ўз саҳна фаолиятини 1933 йил Ўш ўзбек муסיқали драма театрида бошлаган.

1934 – 1936 йилларда Тошкент ишчи ёшлар театрида, 1937 – 1987 йиллар давомида Самарқанд ўзбек муסיқали драма театрида ижодий фаолият юритган. Ўткир характерли образларнинг етакчи ижрочиларидан саналган ва алоҳида

мавқега эга бўлган Киёфот Муслимова Самарқанд театрида саҳналаштирилган 100 дан ортиқ спектаклларда асосан бош ролларни маҳорат билан ижро этган. У яратган образлар ўзига хослиги, жўшқин ва ишонарли тасвирланиши билан ажралиб турган.

Сўзда қочирим қўллашни маромига етказган Киёфот Муслимова Майсара (“Майсаранинг иши”), Рисолат пари (“Тошбол-

та ошиқ”), Мильфордхоним (“Макр ва муҳаббат”), Мехинбону (“Фарход ва Ширин”), Кабаниха (“Момақалдиқор”), Холниса (“Шоҳи сўзана”), Бўстон (“Аяжонларим”), Сурмаҳон (“Юрак сирлари”), Оғудалова (“Сепсиз киз”), Амалия (“Отелло”), Ойдин опа (“Зарафшон қизи”) каби роллари билан шўҳрат қозонган. Бу унутилмас ижролар барҳаёт яшайди.

М.МАМАДАМИНЗОДА



Фурур ва ифтихор

Маданият ва санъатимизда улкан ўзгаришлар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий маданиятнинг янада ривожлантириш, янги Ўзбекистон тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада омалаштириш, ёшларнинг маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини орттириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Мухтарам Юртбошимиз томонидан жорий йил 26 май кўни “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари тасдиқланди. Мазкур ҳужжатлар барча маданият ходимларига дастуриламал десам муболағ бўлмайди.

Бу эса маданият ва санъат соҳаси ходимларининг кўнгилда фурур ва ифтихор туйғуларини янада оширди.

Ўтган давр мобайнида қабул қилинган маданият ва санъат соҳасига доир қарорлар ижроси бўйича Наманган вилоятида замонавий маданият марказлари ташкил этилди. Ҳозир вилоятимиздаги 80 та маданият марказидан 38 таси таъмирланиб, аҳолига бугунги кун талаби даражасида тўлиқ хизмат қилиб келмоқда.

Улар қошида 273 та тўгарак (180 таси пуллик, 93 таси бепул) ва 37 та ҳаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар маданият марказларидаги тўгараклар ва жамоалар фаолиятини жонлантириш, уларнинг турларини кўпайтириш, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, шу орқали маданият марказлари томонидан хизмат кўрсатилаётган аҳоли улушини кўпайтириш имконини беради.

Бунда Маданият марказларига ўзлари томонидан ишлаб топилган маблағларнинг 50 фоизини ходимларини рағбатлантириш учун йўналтиришга руҳсат берилди (бюджет ташкилотлари пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушумнинг 75 фоизини – моддий-техника базасини яхшилашга, 25 фоизини – ходимларни рағбатлантиришга сарфлаши мумкин).

Маданият марказлари “бешта ташаббус” доирасида амалга оширилаётган тадбирларга кенг жалб этилди. Биноларни эса давлат-хусусий шериклик асосида таъмирлаш чоралари кўрилади.

Наманган вилоятида битта вилоят муסיқали драма театри фаолият олиб борар эди. Фармонга асосан вилоятимизда кўғирчоқ театрининг ташкил этилиши биз учун жуда катта қувончли хабар, шунингдек, ўта масъулиятли вазифа бўлди.

Шу пайтгача вилоятимиз ёшларининг кўғирчоқ театри санъатига эҳтиёжи баланд эди. Ҳозирги кунга қадар бизда учта ҳаваскор кўғирчоқ театрлари фаолият олиб бораётганди.

Кўғирчоқ театри ташкил этилгач режа асосида театр жамоаси билан бирга шаҳар ва туманларнинг чекка ҳудудларидаги маданият марказлари ҳамда умумтаълим мактаблари, Мактабгача таълим муассасаларида кўғирчоқ томошаларини намойиш этиш имкони туғилади.

Мазкур Фармон ва қарорда белгиланган вазифалар ижросини сидқидилдан таъминлаб, вилоятимизда маданият ва санъатни ривожлантириш ҳамда иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга бор куч-ғайратимизни сарфарб этамиз.

Абдулбоқи МАМАТОВ,

Наманган вилояти маданият бошқармаси бошлиғи

Мулоҳаза

Орзу — истеъдоднинг бошланиши

Муваффақият нима? Уни қилинаётган хатти-ҳаракатнинг охири ёки шунчаки меваси дейиш мумкин. Мазкур атамга таъриф бериш осон, тўғрими? Бироқ унга етишиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун кучли ирода ва атрофдагиларнинг ишончи керак.

Келтирилган икки манба бир-бирининг ўрнини тўлдиради. Мисол учун, сиз бир ишни бошладингиз-у, унинг натижа беришига шубҳаланангиз. Шунда яқинларингиз ёрдамга келади. Қўллаб-қувватлашади, кўзлаётган йўлингиз албатта ютққа олиб боришига ишонттиришади. Кучли ирода эса инсон туғилганидаёқ томирларида оқиб юрган бўлиши керак. Агар шарҳлайдиган бўлсак, Яратганининг бандасига берган тортиғи. Аммо фақат бунинг ўзи ҳам муваффақиятга етишишда енгиллик бермайди. Чунки ташқи муҳит бундай шахсларни синдиришга уринади. Шунга қарамай уни енгиб ўтсангиз, меваси лаззатли бўлади.

Муваффақиятга етишишнинг яна бир асоси – бу ўзи севган касб ёки соҳада ишлаш. Келинг, фикримиз исботи билан бўлсин. Бир вақтлар Детройт шаҳарчасида яшаган Генри исмли шахс ўз гоғялари билан ҳаммага кулги бўлади ва тентакка чиқади. Атрофдагилар унинг қилаётган ишини самарасиз деб баҳолашади. Аммо қатъиятли Генри ўз мақсадидан чекинмайди ва биринчи шахсий автомобилни яратди. Натижада катта пул топиб, дунёга машҳур бўлади ва муваффақиятларга эришади. Яна бир мисол, Томас исмли кашфиётчи сон-саноқсиз тажрибачилар қилиб, ҳеч қандай самарали натижага эришмади. Лекин шунга қарамай мақсадидан кечмайди ҳам ва ниҳоят лампочкани кашф қилади. Бугунги кунда хонадонларимизни ёритиб турган чироқларнинг илк намунаси ўша инсон эришган ютуқ маҳсулидир.

Биламизки, инсон болалигидан орзу қилади. Кимдир космонавт бўлишни, яна бири шифокорликни ҳавас қилади. Албатта, булар шунчаки орзу. Лекин ҳом хаёл ҳам эмас. Бола то ўсиб улғуйнгача бир касбда қатъий турмайди. Отаси ҳарбий бўлса, шу касбни эгаллагиси келади, қайсида қариндошини муҳандис деб эшитса, катта-катта бинолар қурадиган қурувчи бўлишни мақсад қилади. Шу тарихка ўз йўлини топиб олади. Ички имконияти, қобилияти қайси соҳага тўғри келишини вақти келиб англайди. Бироқ бу жараён бугунги ёшларимизда анча



кеч бошланаяпти. Яъни, қачонки, олий ўқув юртига кирса ёки ёши ўсмирликдан ўтгачина...

Ҳар қандай иш натижаси билан мароқли. Натижасиз иш эса нола тенг демек. Бу жумла асосан ўзи хохламаган соҳада фаолият олиб борувчи кадрларга тааллуқли. Улуғ табиб Абу Али ибн Сино таъабот оламига улкан мерос қолдириб кетган. Унинг кашфиётлари бутун бутун дунёда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда. Аммо ўз касбини севган ва унга меҳр қўйган шифокор яратиб қўйилган қўлланмалар билан чекланиб қолмайди. Ўзи ҳам изланиб, ўрганиб, янгидан-янгигоғялар ишлаб чиқади. Мисол учун, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега оғир дардга чалинганлар даво истаб Германия ёки Хиндистонга шошишади? “Чунки уларда тиббиёт анча олдинлаб кетган” дейсизми?! Бу ҳам тўғри, албатта. Лекин, менимча, улар кўпроқ ўз касбини танлаганлари учун ҳам илдамлаб кетишган.

Энди бунга асосласак, афсуски, бизнинг ўзбек оилаларимизда катталар орзу-истаги болалар мақсадидан устун туради. Мисол учун, ота ёки она ёшлиғида шифокор бўлишни орзу қилган, бироқ бу тақдирга битилмагани учун унга эришолмаган. Эндилкида ўз армонини фарзанди келажакда кўришни хоҳлайди. Уни қўшимча дарсларга жўнатади, янги ўқув қўлланмалари, ҳуллас, барча қулайликлар билан таъминлайди. Аммо бола аввалдан муҳандисликка қизиқади. Катта-катта иморатлар қуришни орзу қилади, лекин ота-онанинг райига қарши борулмайди. Майли, пайти келиб шифокорлик олийгоҳига ҳам ўқишга кирар, уни биттириб ота-она орзусини амалга оширар ҳам, аммо ўзининг орзусини? Ҳаётда фақат яхши касбни эгаллаб,

тўқин-сочин яшаш истаги, афсуски, болалар орзусини ютиб юбораяпти. Шифокор болалиғида кўп ўқиган, амалиётга тинмай қатнашган бўлиши мумкин. Лекин у ички хоҳиш йўқлигидан барибир ўртамиёна мутахассис бўлиб қолаверади. Чунки қизиқиш уники эмас. Одам қилганини одам қилади. Олий таълимда ўқиб, ўрганганининг оппоқ халат кийиб, оддий касалларни даволаб юришига етади. Бироқ ҳақиқий орзу ҳамма нарасдан кучли. У одамни чекламайди.

Яқинда бир танишимнинг онаси мента дардини айтиб қолди. “Негадир Х.нинг ўқишга қизиқиши йўқ. Ҳаракат қилгиси келмайди. Ўзига талабчан эмас”. Уни кузатдим, ҳақиқатан лаёқатсиз. Демак, у танлаган йўналишини севмайди. Унинг учун бошқа касб қизиқ. Эҳтимол, қизиққан соҳасини танлаганида ҳаммаси бошқача бўлармиди, деб ўйлаб қолдим.

Ҳуллас, ота-она орзуси ҳали-ҳануз ёшлар ҳаётига таъсир қилмоқда. Бунинг оқибатида нафақат лоқайд, балки уқувсиз кадрлар ҳам шаклланиб қолиши ҳеч гап эмас. Натижада соҳада ўсиш ўрнига пасайиш кузатилади. Қўплар жабр ҳам кўриши мумкин. Шундай экан, азиз ота-оналар, фарзандларингиз қизиқишига ҳам эътибор беринг. Бир вақтлар амалга ошмай армонга айланган орзунгизни деб келажакда етишиб чиқishi мумкин бўлган истеъдодларни синдириманг. Унинг ривожланишига йўл очинг ва доим қўллаб-қувватланг. Чунки фарзанд учун энг катта ютуқ ва рағбат бу ўз яқинларининг далдаси ҳамда ишончидир. Шундай экан, имконингиз борича болангизга уларни раво кўринг.

О.АБДИЕВ,
“Маданият” газетаси муҳбири



Муносабат

“Киркқиз саройи” юзасидан



Интернет ва ижтимоий тармоқларда “Маданий меросларимиз ташидан иборат! Уят, тарихимизга бефарқ мутасаддилар” мавзуси остида тарқалган “Киркқиз саройи” архитектура ёдгорлигидаги ҳолат Маданият вазирлиги Ахборот хизмати томонидан ўрганиб чиқилганда, ушбу объекта бугунги кунга қадар қоровул қўйилмагани оқибатида шундай аҳволга келиб қолгани аниқланди.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 августдаги “Муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолардан фойдаланишни

янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги 708-фармойишига асосан Сурхондарё вилоятидаги мавжуд 16 та зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор жойлар текин фойдаланиш ҳуқуқи билан уч томонлама ижара шартномаси асосида “Вақф фонди” таъширилган.
2019 йил 27 май куни “Вақф” хайрия фондида “Киркқиз саройи” архитектура ёдгорлигини реставрация ва консервация қилиш учун лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланиб, маданий мерос де-

партаменти билан келишилган ҳолда таъмирлаш ишлари олиб борилиши юзасидан хат юборилган эди. Ушбу йилнинг 12 декабрида мазкур ёдгорликда ободонлаштириш ва ҳўқаламзорлаштириш ишларини олиб бориш юзасидан иккинчи мартаба мурожаат хати киритилган.
Шунингдек, 2020 йил 15 июнь куни “Вақф” хайрия жамоат фондига ёдгорликни ободонлаштириш юзасидан учинчи мартаба мурожаат хати йўлланганини ҳам маълум қиламиз.
Маданият вазирлиги Ахборот хизмати

Бу – қизиқ!



Фонограмма эҳтиёжми ёки енгиллик?

Фонограмма сўзи грекчадан олинган бўлиб, “овоз ва ёзув” деган маънони англатади. Бу овоз ёзуви натижасида олинган сигналдир. Фонограмма 4 босқичли ўз ичига олади ва студияда амалга оширилади:
– Аранжировка – фонограммага тайёрланиш ва мослашиш.
– Ёзув – мусиқа ва ижрочи ёзиб олиш.
– Микширлаш – овознинг турли қисмларидан яхлит ёзув яратиш.
– Мастеринг – маҳсулотни кенг оммага тақдим этиш ҳолатига келтириш.

ҚИСМАН ВА ТЎЛИК

Кўринишига кўра, аналог ва рақамли фонограмма турларига бўлинади. Шунингдек, ижросига кўра “минус-фонограмма” (минусовка) ва “плюс-фонограмма” (фанера) турлари мавжуд. Минусовка – мусикали фонограммага фақат аккомпанемент ёзуви бўлади, фанерада эса аккомпанемент билан бирга вокалист овози ҳам олдидан ёзилади. Саҳнада ижрочи фонограмма ритмига тушади.

ФОНОГРАММА ЗУРУРАТТА АЙЛАНАДИ, АГАР:

Фонограмма қай мақсадларда қўлланилади?
– Театрда мусиқачи-артистлар томонидан. Чунки ҳам роль ўйнаш, ҳам кўшиқ куйлаш кийин.
– Хонандалар томонидан оммавий концертлар ва карнавалларда. Бунда асбоб-ускуналарни ишлатиш мураккаб ёки илож-

сизлигидан фонограммадан фойдаланилади. Майдон катта бўлса, жонли ижродаги овоз қамрови пастлик қилади.
– Куйлаш ва рақс талаби тенг қўйилганда. Иккисини барабар бажариш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Буни 1983 йили Майкл Жексон уддалаган эди.
– Мураккаб трекларда. Баъзан ижрода юқори ва паст ноталарни олишга тўғри келади, бу эса жонли ижрода анча мушкул.
– Серҳаракат шоуларда. Сценарийга кўра ҳофиз куйлашдан ташқари гапириш, рақсга тушиш, кўп ҳаракат қилишига тўғри келса, энергиясининг катта қисмини сарфлаб қўяди ва жонли ижрога куч қолмайди.

“ЕЛИМ ЮЛДУЗЛАР”

Хонанда фонограммага куйлаётганига қарамай микрофон ёйқ бўлади. Бундан орада мухлисларга мурожаат ва жонли тасаввурни бериш мақсади қўзланган.
“Фонограммага куйлаганга пулнинг ксерокопиясини бериш керак”, деган эди Ронни Жеймс Дио. Ҳа, бу усул кўпдан кўп танқидларга учраган. Фонограммани кораловчилар концертга чипта сотиб олган мухлис жонли ижродаги куйини тинглашга ҳақли, деб ҳисоблайди. Шубоис айрим мамлакатлар фонограммага тақик қўйган.
2007 йили Россия қонунчилиги фонограмма ҳақида олдидан оғохлантириш меъёрини жорий этди. Ҳозир бу бизда ҳам амалда. Концерт ёки

куй ижро этилувчи бошқа талбир рекламасида бу ҳақида оғохлантирилади.

ФОНОГРАММА МАН ЭТИЛГАН МАМЛАКАТЛАР

Хитойда 2008 йили фонограмма тақикланган. Бу қондан бузганга 20 минг доллар жаримадан лицензияни олиб қўйишгача бўлган жазо белгиланган.

Туркменистонда 2005 йили маданий тадбирлар ва тўйларда фонограмма билан куйлаш ман этилган.

Молдовада 2008 йили давлат бюджетидан молиялаштирилган расмий концертларда фонограммага йўл қўймаслик Маданият вазирлиги томонидан белгиланган.

ҚАНДАЙ ФАРҚЛАШ МУМКИН?

Баъзан кўшиқларни эшитиб, “Жонли айтяптими ёки фонограмма?” дея иккиланиб қоламиз. Фонограммани жонли ижродан қандай фарқлаш мумкин?

1. Овоз тўғри эшитилади. Аслида ҳар бир ҳаракат овоз динамикасини ўзгартиради. Фонограммада эса кўшиқчининг рақси ёки учдан бу ёққа юриши овозга таъсир кўрсатмаган ҳолда тиниқ чиқади.

2. Икки хил овоз. Кўшиқчи орада гапирганида диққат қилинг, у куйдагисидан сезиларли даражада фарқланади.

3. Бехато ижро. Фонограммадаги куй қайта ишланган ва мукаммаллаштирилган вари-

антдир. Жонли ижрода эса нафас олиш, ютуниш, пауза мавжуд. Ҳатто хонанда йўталиши ва акса уриши ҳам мумкин. Аммо бу рефлекслар мухлисда салбий эмас, аксинча жонлилигини ҳис этган ҳолда ижобий таассурот қолдиради.

ЖОНЛИ ИЖРОГА НИМА ЕТСИН...

Фонограмма поп-мусиқачиларга қўл келади. Рокда эса бунинг иложи йўқ. Рокка фонограмма боғланса, ўхшамай қолиши аниқ. Шу боис рокчилар фонограммани “елгон” деб аташади. Жонли ижрода техник таъминот мураккаб, деган асос келтирувчиларни баҳоначиға чиқаришади. Россиялик рок-мусиқачи Вячеслав Бутусов фонограммачиларни виждонсизликда айблайди. Унинг фикрича, фонограмманинг келиб чиқиши концерт бизнеси билан бевосита боғлиқ. Профессор Лебенский эса фонограммага куйловчиларни “елим юлдузлар” деган.

Мадонна ва Элтон суҳбатидан:

– Концертингга кирганим, кўшиқларнинг ярмини фонограммага куйладим.

– Бунга мажбурман, ахир саҳнада ўйнашим, сакрашимга тўғри келади.

– Мен эса ўйнашинг сакрашингни кўриш учун эмас, овозингни эшитишга келганим.

Дурдона АЛИМОВА тайёрлади.

Онлайн танлов

“Лазги ижроси” да иштирок этинг



Санъатга ошно қалбларни “Лазги ижроси” онлайн танловига фаол бўлишга чорлаб қоламиз.

Танлов куйидаги тўрт йўналишда ўтказилади:

1. “Лазги” ашула ижрочилиги
2. “Лазги” чолғу ижрочилиги
3. “Лазги” рақс ижрочилиги
4. “Лазги” композицияси рассомчилик йўналиши

Танлов 2020 йилнинг 10 июнидан 2020 йилнинг 31 августига қадар ўтказилади.

Иштирокчилар ёши уч гуруҳга ажратилади:

- a) 12 ёшгача;
- b) 12 – 40 ёшгача;
- v) 40 ёшдан юқори;

Қатнашчилар ўзлари тўғрисидаги маълумот (Исми, Фамилияси, Отасининг исми, туғилган йили, оий, санаси, яшаш манзили, ўқиш ёки иш жойи, телефон рақами ҳамда қайси йўналиш бўйича қатнашаётганлиги) ларни видеоматериалларнинг тагига аниқ ва тушунарли қилиб ёзиб, @Lazgi_onlineBot телеграм манзилига жўнатишлари лозим. Кўрик-танлов ғолиблари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Қўшимча маълумотлар ва танлов жараёнларини @madaniyatvazirligi телеграм канали орқали кузатиб бориңг.

Таъзиянома

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонаси директори Ш.Матякубовга оналари Султонпошша она Солаеванинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради!

» Куёш тутилиши

Ўзбекистонда қизиқарли астрономик ҳодиса



Шу йилнинг 21 июнь куни Ер юзи аҳолиси қизиқарли астрономик ҳодиса – Ҳалқасимон куёш тутилишига гувоҳ бўлиши мумкин. Бу тўлиқ шаклдаги Ҳалқасимон тутилиш ҳисобланиб, куёш юзасининг 99,4 фоизини ёпади. Жараёнинг давомийлиги 38 секундга тенг бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти хабар бермоқда.

Ушбу астрономик ҳодисани Африка, Арабистон ярим ороли, Евроосиё, Япон ва Малай

архипелаги ҳамда Австралия худудларида жойлашган 111 та давлатда кузатиш мумкин.

Улар ичиди (Конго Республикаси, Конго Демократик Республикаси, Марказий Африка Республикаси, Судан, Жанубий Судан, Эфиопия, Саудия Арабистони, Эритерия, Яман, Уммон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой ва Тайван) 14 та давлат аҳолиси тўлиқ шаклдаги Ҳалқасимон куёш тутилишини кўриши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг бутун худудиди Куёш тутилиши қисман кузатилади.

Куёш тутилиши энг катта натижага эришган вақтида республикамизнинг шимолигарбий худудларида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида юзасининг 39% дан 50% гача бўлган қисми, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида эса 58% гача бўлган қисми Ой томонидан тўсилади.

Юртимизнинг энг жанубий худуди – Термиз шаҳрида эса бу натижа 63% гача етади.

» Биласизми?

Ҳар бир давлатнинг ўз номи ва рамзлари мавжуд. Уларни ҳаерда кўрмайлик ёки эшитмайлик ўша давлат кўз олдимизга келади. Шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий меросига айланган обидалари, мажмуалари борки, улар ҳам давлатни тавнитишда рамзлардан кам хизмат қилмайди. Мисол учун, АКШдаги Озодлик ҳайкалини олайлик. Газетамизнинг бу сониди сиз билан мана шу улкан ҳайкал ҳақида айтилган ва айтилмаган маълумотларни ўрганамиз.



Озодлик ҳайкалида аслида ким тасвирланган?

Озодлик ҳайкали 1886 йил 28 октябрда қурилган бўлиб, халқлар ўртасидаги дўстлик белгиси сифатида Франция томонидан АКШга тақдим этилган. Мажмуанинг тўлиқ номи – “Оламини ёритувчи Озодлик”. Қўлида машғала тутиб турган бу улкан ҳайкални баландлиги 93 метр бўлиб, ҳозирги пайтда тож қисми – илгор технология маркази ҳисобланади.

Озодлик ҳайкалининг тарихи ва унинг бүгунги кунда АКШ миллий рамзига айланиши йўлида қилинган ҳаракатлар бора-бора кўпгина таъминлар илгари сурилади. Мисол учун, ҳайкал гоёси Америка давлатчилиги муҳлиси бўлган француз ёзувчиси ва олим Эдуард де Лабурга тегишли бўлиб, у буни АКШда фуқаролар уруши тугатганидан кейин билдирган. 2015 йилнинг декабрь ойида Смитсон институти тадқиқотчилари фикрига кўра эса Озодлик ҳайкали мисрлик бир деҳқон аёл прототили бўлиши мумкин экан. Умуман олганда қарашлар ҳар хил, аммо уларнинг барчаси бир нуқтада бирлашади. Бу Фредерик Бартольдидир. Маълумотларда келтирилишича, ҳайкал яратиши ва уни ёдгорлик сифатида ўрнатиш гоёсини Миср ҳукумати бошлаган бўлиб, мажмуа ҳайкалтарош Бартольди қўл остида ясалishi ҳамда Сувайш канали яқинидаги худудлардан бирига ўрнатилиши керак эди. Бироқ ё бу фикр ҳайкалтарошга ёқмайди, ё ҳукумат ишни тўхтатади.

Бартольди Миср ҳукумати юклаган вазифадан озод этилган, АКШга йўл олади. У ҳатто ҳозирда ҳайкал турган оролни кўздан кечириб чиқиб, давлат расмийларидан рухсат олган ҳам дейишади. Мажмуани қуришда бу шахс қанча вақт қатнашгани аниқ эмас. Гар-

чи Бартольди ҳайкал қуришни бошлаган ва битирган дейилса-да, инкор этиб бўлмас бир жиҳат ҳам борки, бүгунги кунда энг улкан ҳайкаллар ўнталитидан тушмай келаётган бу обиданинг “отаси” деб негадир Бартольди эмас, Александр Гюстав Эйфель тан олинган. Хужжатларда ёзилишича, улкан ҳайкал дизайни параметрларини ҳисоблашда Бартольдига тажрибали муҳандис кўмаги керак эди. Бу борада унга Эйфель минорасининг яратувчиси Александр ёрдам беради. Айнан у ҳайкални мис қобиғи эркин ҳаракатланишига имкон тулдирувчи ва ёдгорлик ўз мувозанатини сақлашида керак бўладиган темир таянч бериш гоёсини ишлаб чиққан ва унга қўллаган экан. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Эйфельга ушбу шарафли мақомни беришгандир ёки у кейинчалик мажмуа қурилишини бутунлай ўз зиммасига олгандир. Лекин шуниси аниқки, Бартольди бутун дунёга донги кетган ҳайкални биринчи прототипини, яъни “пойдеворини” яратган инсондир.

Ҳайкал 1776 йилда имзоланган Мустақиллик Декларациясининг 100 йиллиги тўғи арафасида, яъни 1876 йил нишонланishi керак бўлган тантанасида озодлик ва дўстлик рамзи сифатида тўғша этилиши лозим эди. Қурилиш давомидида совғага режалаштирилганидан кўпроқ пул кераклиги маълум бўлади. Ёдгорликдан Америка тараф ҳам хабардор эди. Океаннинг ҳар иккала томонида ҳам хайрия акциялари, концертлар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар ороқли маблағ йиғиш бошланиб кетади. Бироқ кейинроқ америкаликлар норозилик билдириб қолашади, сабаби зарур миқдорни йиғишда қийинчиликлар кузатилаётганиди.

Ташаббуснинг бундай яқун топишини истаман журналсти “Жозеф Пулитцер “Жаҳон газетаси” рўномаси саҳифаларида халқнинг юқори ва ўрта синф вакилларига мурожаат билан чиқиб, уларни яқин иш учун пул ажратишга ундайди. Газетадаги танқидий мақола нихоятда таъсирли чиққанидан 1885 йилнинг августиди АКШ керакли миқдорни йиғишга муваффақ бўлди. Бу вақтга келиб эса французлар ишнинг бир қисмини тугатишган эди. Ҳайкал Францияда яратилган ва Америкага 350 қисмга бўлиниб, 214 та қутиди олиб келинган. 4 ой давомидида қисмлари бирлаштирилган ёдгорлик 1886 йил 26 октябр кунин кенг омма олдида тантанали намойиш этилди.

Шу тарихи совға АКШ миллий байрамнинг 100 йиллиги эмас, 110 йиллигиди тақдим қилинади. Энг қизиғи, машғал билан қўл аввалроқ йиғилган ва ҳатто 1876 йилда Филадельфиядаги кўргазмада намойиш этилгани ҳақида маълумотлар бор.

Яна бир ажабланили жиҳати, 100 км/соат тезликда эсанган шомол ёдгорлигини 7,62 см.га, машғала қисмини эса 12,7 см.га тебратиб туради. Ёдгорлик аввалгига бир неча ўн йиллар маёқ вазифасини ўтаб турган. 1924 йилга келиб эса Миллий ёдгорлик дея эътироф этилган. Мажмуа майдони 1937 йилда бутун Бедлоу ороли чегараларига кенгайтирилди. 1956 йилдан эса маъмур худуд “Озодлик” ороли дея атала бошланди.

Бартольди ўз санъат асарига қадимги римликлар худудлардан бири, озодлик тисмоли “Либертас” номини қўйди ва “Озодлик ҳар нарасидан устун бўлганидек, бу ҳайкал ҳам осмонни ўпиб турсин”, деган таърифни беради. Бошқа манбаларда,

ҳайкалтарош яратиши керак бўлган асарини “Осиёга ёруғлик келтириданг Миср” деб атаган эмис.

1982 йилда ёдгорлиқни таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Президент Рональд Рейган Ли Якоккани менежер этиб тайинлаб, жараёни шахсан ўзи кузатиб боради. Реконструкцияга яна маблағ йиғиш бошланди ва бу сафар қисқа вақт ичиди 87 миллион доллар тўпланди.

Ҳайкал 1984 йилда дунё аҳамиятига эга ёдгорликлар рўйхатига киририлган. 1986 йилнинг 5 июлида 100 ёшга тўлган мажмуа таъриф буюрувчилар учун қайта очилди.

Озодлик ҳайкалининг тож қисмида 25 та дераза мавжуд. Албатта, бу мажмуанинг ўз раъий хусусиятлари ҳам бор. Мисол учун, унинг бош қисмидаги тоғша ўрнатирилган етти та шох ўша вақт олами тушунчасида 7 қитъани англатарди. Ҳайкални чап қўлидаги ёзув тахтасида: «1776 йил 4 июль» ёзуви мавжуд. Бу эса Мустақиллик Декларацияси тузилган сана ҳисобланади.

Террор таҳдиди туфайли 2001 йил 11 сентябрдан ҳайкал ва орол ёпиланди, 2009 йилда эса туристлар учун яна қайта очилди. Мажмуага чиқувчилар ҳайкал тожигача кўтарилиши мумкин, бироқ ҳали ҳам машғала қисмига чиқиш тақиқланади. Террор таҳдиди туфайли барча таъриф буюрувчилар жиддий текширувдан ўтишади.

Ҳайкалтарошни илмолантирган Юнон маъбудалари ҳақида айтадиган бўлсак, Либертас ва Мисс Колумбия озодлик илоҳлари дея тасаввур этилган. Ҳайкал ясаш гоёси ҳали пайдо бўлмагандан олдинроқ юлдуз тасмали қувноқ қиз АКШ рамзи бўлган. 1812 йилда Англия билан бўлган жангда маъбуд



Мисс Колумбия суратлари АКШ газеталарида босилиб чиқа бошлади. 1890 йилга келиб эса ватанпарварлик тадбирларида аёллар айнан Мисс Колумбияга ўхшаб кийинишга ҳаракат қилинган.

Бошқа бир тадқиқотларда айтилишича, Озодлик ҳайкалининг прототили қадимги юнон маъбудаси Хекате ёки қадимги Миср Исидаси бўлиши мумкин экан. Хекате – ой нури, ер ости дунёси, барча жодугарлар маъбудаси ҳисобланади. Агар сиз ижтимоий тармоқлардан ушбу илоҳ суратларини излаб кўрсангиз, у, ҳақиқатан, бүгунги кунда АКШнинг юзи бўлиб турган улкан ҳайкалга ўхшаб кетади.

Яна бир иланишлардаги хулосаларда айтилишича, мажмуа Миср маликаси Исидида прототили ҳисобланиши ҳам мумкин. Афсоналарда бу илоҳда фоҳишабозлик маъбудаси саналади. Бошқа манбада Исидида бобиллик бузуқ аёл бўлиб, у Иштар маъбуди Баал, яъни Шайтоннинг хотини экан. Маъбуд ва маъбудалар ҳақида ёзилган миф ва афсоналарда келтирилишича, бузуқ аёлларнинг еттичиси (ҳайкал бошида турган етти қиррали тоғша илоҳа қилинади) бўлган етти кўп сувлар устида ўтирар экан. Бу эса айрим илланувчилар қарашига мос келади, чунки Озодлик ҳайкали ҳақиқатан атрофи сув билан қопланган оролда қад ростлаган.

Хуллас, бу гаплар шунчаки бир қараш ёки уйдирма бўлиши мумкин. Чунки жаҳон геомонлигига ҳаммаша интилиб, бунинг учун доим курашиб келаётган АКШга ҳар қайси давлат ва миллат вакили ғараз фикр билдириши мумкин. Бу эса ҳар бир билдирилган фикр ҳақиқат бўлавермаслигини англатади.

Оламғир АБДИЕВ

		ГАЗЕТА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН 10.04.2018 й. 0803 РАҚАМИ БИЛАН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИЛГАН.		Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содикова Адади - 8566 Буюртма - Г - 627 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ		ГАЗЕТА “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИДА ЧОП ЭТИЛДИ. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 23.50 Топширилди - 23.00 1 2 3 4 6	
МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги		Бош муҳаррир Дилбоҳор Худойбердиева Тахририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54		Тахририятта келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.			
Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.							